Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2001 йил 11 август, шанба • №63 (11.348) • Эркин нархда сотилади

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

**Шу кунларда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясига қизғин ҳозирлик бормоқда. Муҳим ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ушбу сессияда мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган кўплаб қонунларнинг муҳокама қилиниши ва қабул этилиши назарда тутилган.**

Шу муносабат билан қўмита ва комиссияларнинг сессияга қандай тайёргарлик олиб бораётганликлари, умуман уларнинг мустақиллигимизнинг ўн йиллиги давомидаги фаолиятлари билан кенг жамоатчиликни таништириш мақсадида матбуот анжуманларини ўтказиш назарда тутилмоқда.

Куни кеча бўлиб ўтган биринчи матбуот анжуманида Олий Мажлис бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг мамлакат парламентининг навбатдаги сессиясига тайёргарлиги хусусида сўз борди. Унда мазкур қўмита раҳбарлари ва аъзолари, қатор вазирлик ва идоралар, банк, молия ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг комиссияси раиси М. Миролимов бошқарди. Анжуманда Олий Мажлиснинг бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А. Аҳадов қўмитанинг ўтган ўн йиллик фаолияти ҳақида қисқача ахборот берди.

– Истиқлол йилларида Ўзбекистон парламенти томонидан жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган бозор иқтисодиётини ривожлантиришни таъминловчи ҳуқуқий асослар яратилди, – деди у ўз сўзида. – Бу борада парламент ва ижроия ҳокимиятлари ягона мақсад сари ҳамкорликда ҳаракат қилдилар. Чунончи, пул-кредит сиёсати соҳасида икки босқичли банк тизими барпо этилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилганидек, марказий банк мустақил мақомга эга бўлди. Тижорат банклари фаолияти қонунлар орқали бошқарилмоқда. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда барча бундай банклар учун етарли шароит яратилди, яъни улар ўртасидаги рақобат соғлом бўлиши учун бир хил қоида жорий қилинди. Ҳозирги кунда улар жаҳоннинг нуфузли молия ташкилотлари билан ҳамкорлик қилмоқдалар, дунёнинг йирик банклари билан яқин алоқалар ўрнатдилар.

Мулоқотда бюджет, солиқ ва молия тизими масаласи ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Маълумки, бюджетнинг даромад қисми солиқлар орқали шаклланади. Даромад солиғи эса кейинги йилларда муттасил камайиб бормоқда. Агар 1999 йилда у 33 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йили 32 фоизга, 2001 йилда эса 26 фоизгача тушди. Бу пухта ўйланган имтиёзли тизим жаҳон андозаларига яқинлашиб, солиқ тўловчиларни рағбатлантирувчи жиҳати кучайиб бормоқда.

Қўмита томонидан республика иқтисодиётига оид яна кўплаб қонунлар тайёрланиб, Олий Мажлис сессияларида қабул қилинди. Хусусан, олтинчи сессия муҳокамасига қўйиш учун «Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси тайёрланди. Бу қонуннинг асосий моҳияти акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Шунингдек, учрашувда қўмита фаолияти билан боғлиқ бошқа қатор масалалар хусусида ҳам батафсил маълумот берилди. Оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олдилар.

***Мирсобир МИРҲАМИДОВ,* «Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.**

## 10 АСРГА ТАТИГУЛИК ЙИЛЛАР




*ЮҚОРИЧИРЧИҚ ТУМАНИ:*

# ЮРТНИНГ ОБОДЛИГИ – МЕҲНАТНИНГ ҚАДР ТОПГАНЛИГИДАНДИР

## 1. Инсон азиз

**Ҳар бир туманнинг, табиийки, ўзига хос анъаналари, удумлари, тирикчилик манбалари бўлади. 1926 йилда ташкил этилган, 44434 гектар майдонни эгаллаган Юқоричирчиқ туманининг ўзига хос, бошқалардан ажралиб турадиган томони шундаки, у Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғидаги кўприкдан шимолий йўналишда жойлашган. Юқоричирчиқ деб аталишининг боиси ҳам шундадир.**

Туман шимолий-шарқ томондан Бўстонлиқ, Паркент, жанубий-шарқ томондан эса Оҳангарон, жанубий-ғарбий томондан Ўртачирчиқ, шимолий-ғарб томондан Зангиота ва ниҳоят Қибрай туманига чегарадошдир. Сирасини айтганда чегарадошликнинг ҳам ўзига яраша ташвишлари, масъулияти бор. Туман ташкил бўлибдики, бу масъулиятни чуқур ҳис этиб, меҳнат қилиб келмоқда. Деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланиб, эл ризқини кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ўтган давр мобайнида юқоричирчиқликлар туманнинг салоҳиятини кўтариш, пахтачилик, ғаллачилик, чорвачиликда янги марраларни эгаллаш, ютуқларни кўпайтириш учун катта иш қилдилар.

Тадбиркорлик, ишбилармонликда довруғ таратдилар. Хван Ман Гим сингари иқтидорли хўжалик раҳбари, Ким Мария сингари чорвадорлар, Любовь Ли сингари маккажўхорикорликни ривожлантиришда ўзига хос мактаб яратган деҳқонлар, ошхўрлар севиб истеъмол қиладиган гуручнинг ижодкори Кен Зе, Абдумажид Машахобов, Ғани Каримов сингари эл ардоқлайдиган деҳқонлар шу тумандан етишиб чиққан. Жуда кўп меҳнат қаҳрамонлари шу туманда истиқомат қиладилар. Улар ўзларининг фидокорона меҳнатлари, элнинг ноёб мулкига айланиб қолган тажрибалари билан кўп йиллар давомида холис хизмат қилдилар. Туманнинг довруғини таратишга ҳисса қўшдилар. Бироқ, кейинги уч-тўрт йил ичида негадир туманнинг шуҳрати пасайгандек бўлди. Ахир кўп йиллардан буён номдор бўлиб келган туман учун бу ҳолат ярашмайди. Албатта, аввалги шуҳратни тиклаш керак. Туманнинг янги раҳбарияти бу масалани ғоят долзарб қилиб қўйди ва янги-янги тадбирларни амалга ошира бошлади.

Маълумки, ҳар қандай ютуқ замирида инсоннинг меҳнати, ақл-заковати ётади. Одам боласининг имкониятлари чексиз. Ҳамма гап бу имкониятдан, салоҳиятдан қандай қилиб фойдаланишдадир. Агарда меҳнат кишисининг кўнглига йўл топилса, унга барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилса, муҳими соғлиғи, фарзандлари тўғрисида ғамхўрлик қилинса унинг кайфияти кўтарилгандан кўтарилади, ўз касбига, ишига бўлган меҳри ортади. Бундайлар билан ҳар қандай мураккаб юмушларни амалга оширса бўлади.

Туманнинг янги ҳокими Алишер Ғаффоров бу ҳақда кўп ўйлади. У ўз ёнига фаолларни олиб, тумандаги касалхонаю, боғча, ясли, мактабларни айланиб чиқди. Минг афсуски, бу касалхоналар, мактаблар, боғчаларнинг кўпчилиги қаровсиз қолиб, ярокснз аҳволда, таъмирталаб бўлиб қолганди.

Ахир нега бундай бўлиши керак? Ҳокимликда бу масала алоҳида муҳокама қилинди. Муҳокамага тадбиркорлар, ишбилармонлар ҳам таклиф этилди. Маблағ йўқ, деб долзарб ишни орқага сурсак, умумий ишимизга жиддий путур етади.

– Йўқ, халқ кори учун ярайдиган муассасаларни, айниқса, касалхоналарни ортиқ бундай ҳолда ташлаб қўйиб бўлмайди, – деб айтишди тадбиркорлар. – Бизлар ёрдам берамиз.

Шундай қилиб, касалхоналарни, мактаб-боғчаларни таъмирлаш, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш ишлари бошлаб юборилди. Ҳокимликнинг ўзи бу соҳада белгиланган тадбирларнинг бекаму-кўст бажарилишини назорат қилди, зарур ёрдамни уюштирди.

Шунингдек, туман марказида ҳам қурилиш, ободончилик ишларига киришилди. Турли тадбирлар ўтказиладиган майдон бутунлай янгидан қурилиб, ўриндиқлар ўрнатилиб, жуда чиройли аҳволга келтирилмоқда.

Кўча юзидаги эски, кўримсиз бинолар ўрнида янги замонавий бинолар қад кўтармоқда. Аҳолига хизмат кўрсатувчи турли хил тармоқлар кенгаймоқда. Қисқаси, Юқоричирчиқда ҳавас қилса арзийдиган гузарлар, дам олиш масканлари бунёд этилмоқда. Касалхоналарни таъмирлаш ниҳоясига етказилди. Биз улардан айримларига кириб, беморлар билан суҳбатлашиб, уларнинг миннатдорчилик сўзларини эшитиб қувондик. Марказий касалхона ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, санаторий услубида қурилиб, жиҳозланибди, ҳам дам оляпмиз, ҳам соғлиғимизни тиклаяпмиз, деб айтишди беморлар. Буларнинг ҳаммаси мустақиллик шарофатидандир.

Пахтачилик, ғаллачилик соҳасида ютуқларнинг салмоғи йилдан-йилга ортиб бориши шубҳасиз. Лекин чорвачиликдаги ишлар қандай? Номдор чорвадорлар юрти бўлган туманда бугунги кунда бу зарбдор тармоқни янгидан ривожлантириш учун қандай иш қилинмоқда. Хусусийлашган фермалардаги аҳвол қандай? Биз бу масала билан ҳам қизиқиб кўрдик ва эгасини топмай қолиб, ночор аҳволга тушиб қолган фермаларни жонлантириш учун янгича тадбирлар кўрилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Бунда ҳам ишбилармонлар ўз сўзларини дадил айтмоқдалар.

***РАҚАМЛАР САЛМОҒИ***

- ***Юқоричирчиқ тумани 1926 йилда ташкил этилган.***
- ***Туманнинг умумий ер майдони 44434 гектар.***
- ***Аҳолиси 109 минг 234 киши. Аҳоли манзилгоҳлари сони эса 48 та. 43 та маҳалла қўмиталари ташкил этилган.***



*СУРАТДА: тумандаги 34-мактаб ўқитувчиси Дилафруз Акимова ўқувчиларга компьютердан сабоқ бермоқда.*

## ВИЛОЯТ ҳаёти

### ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

***Янгийўл шаҳрида вилоят прокуратураси ходимларининг шаҳар ва туман тадбиркорлари, ишбилармонлари билан юзма-юз мулоқоти бўлиб ўтди.***

Мулоқот чоғида асосий эътибор тадбиркорлик ва ишбилармонликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этиш масалаларига қаратилди.

Мазкур тадбирда вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Улуғбек Иномжонов сўзга чиқиб, тадбиркор ва ишбилармонларни қизиқтирган кўплаб саволларга атрофлича жавоб қайтарди.

***Зуҳра ҲАЙДАРОВА.***

### СЕРТИФИКАТЛИ БЎЛИШДИ

***Оҳангарон туманида «Аёл – маҳаллада тадбиркор» мавзуида семинар-кенгаш ўтказилди.***

Унда «Тадбикорликнинг қонуний асослари», «Тадбиркор аёл нималарни билиши керак», «Кредит маблағлари олишнинг асослари» мавзуларида вилоят ҳокимининг муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Хўжаева, «Аёл ва жамият» институти раҳбари Наталья Муравьёва, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Турсумат Холбоев, республика Давлат Солиқ қўмитаси бўлими бошлиғи Очил Ғаниев маърузалар билан чиқишди.

Шу куни тумандаги 43 нафар тадбиркор аёлларга сертификатлар топширилди.

***Ўз мухбиримиз.***

### ШАҲАРСОЗЛИКДА БИРИНЧИ

***Кейинги йилларда Бўка шаҳри қиёфаси тобора кўркамлашиб бормоқда. Унинг яқин келгусидаги истиқболи янада жозибали.***

Унинг келажагига бағишлаб яратилган бош лойиҳада бу ўзининг меъморий ифодасини топди. Республикамиз вилоятлари шаҳарлари бўйича ишланган дастлабки бундай лойиҳа Тошкент архитектура ва қурилиш институти олимлари ва истеъдодли ёш меъморлари томонидан тайёрланди. Шаҳарсозлик анъаналарини ўзида акс эттирган мазкур бош лойиҳада Бўка шаҳрининг эртанги куни қиёфаси тўла акс этган.

***Акбар АЛИЕВ.***

### БАЛЛИ КЕЛИНЛАР

***Пскентда «Оналар ва болалар йили»га бағишлаб «Энг чаққон ва зукко келин» танлови бўлиб ўтди. Унда Митан, Мўминобод, Навоий, Лолаариқ, Бекобод, Бирлик ва Ўзбекистон маҳаллаларидан етти нафар келинлар қатнашди.***

Тўрт босқичда: танишув ва табрик; чақалоқни парвариш қилиш, бешикка белаш, чўмилтириш ва йўргаклаш; маънавият, тиббиёт ва экология; муаммоли ҳолатларда ўзларини қандай тутиш бобидаги баҳсларда Лолаариқ маҳалласидан иштирок этган Марғуба Омонова ғолиба деб топилди.

***Лутфинисо ОДИЛОВА.***

### «ИСТИҚЛОЛ ТЕНГДОШЛАРИ»

***Тошкент тумани ҳокимлиги ва «Истиқлол нури» газетаси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан якка кураш ва бокс бўйича «Истиқлол тенгдошлари» мусобақасини ўтказди.***

Туманнинг марказий спорт мажмуида 4 кун давом этган мусобақада 140дан ортиқ ўсмир ўғил ва қизлар ўзларининг маҳоратларини намойиш этдилар. Биринчи, иккинчи, учинчи совринли ўринларни эгаллаган ёшларга ўқув қуроллари, дарсликлар, бадиий адабиётлардан иборат совғалар топширилди.

***Н. ИСАЕВ.***

## ВИЛОЯТ ҳаёти

**Вилоят ҳокимлигида**

# ҲУДУДИЙ КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

**Шу йил 9 август куни назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг Тошкент вилояти бўйича ҳудудий комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисни вилоят ҳокими, вилоят ҳудудий комиссияси раиси Уммат Мирзақулов бошқарди.**

Унда назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши йиғилиши қарорининг ижроси ҳақидаги, 2001 йилнинг биринчи ярмида вилоятдаги хўжалик субъектлари фаолиятини текширишни мувофиқлаштириш якунлари ва бу ишни такомиллаштириш тўғрисидаги, Бўка тумани бўйича назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссия томонидан текширишларни тартибга солинишига оид қонунчилик талабларининг бажарилиши, шунингдек, вилоят адлия бошқармаси томонидан текширишларни тартибга солишда республика қонунчилиги талабларининг бажарилиши ҳамда кичик ва ўрта бизнес тузилмаларини назорат идораларининг асоссиз аралашувларидан ҳимоялаш ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди.

Биринчи масала юзасидан вилоят ҳокими, ҳудудий комиссия раиси Уммат Мирзақулов сўзга чиқди.

У назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг шу йил 28 июлдаги йиғилишида кўриб чиқилган масалалар ҳақида тўхталар экан, асосан эътиборни ундан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда ҳудудий комиссия ишини такомиллаштириш, янада жонлантиришга қаратди.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан комиссия раисининг ўринбосари, вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Мирзоҳид Комилов ҳисобот берди. Ўтган давр мобайнида вилоятда текширишларни тартибга солиш, хўжалик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувларни чеклаш, ўрта ва кичик тадбиркорлик тузилмалари, хусусий корхоналар манфаатини кўзлаган ҳолда текширувлар сонини камайтириш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди. Хўжалик субъектларида «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»нинг юритилиши, «ишонч» телефонлари хизматининг ташкил этилганлиги, жойларда бу мавзуда семинар йиғилишлар ўтказилиши вилоятдаги текширувларнинг режа асосида ўтказилиши, уларнинг сони камайиши билан бир вақтда самарадорлигининг ошишига катта таъсир кўрсатмоқда.

Айни вақтда ҳали бу борада ишларни тартибга солиш, руҳсатсиз текширувларга барҳам бериш, ҳудудий ишчи комиссиялар фаолиятини жонлантириш борасида янада изчил ишлаш зарурлиги қайд этилди.

Шу куни мажлисда Бўка тумани ҳокими, туман ишчи комиссияси раиси Жўра Миралимов бу борада туманда амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳисобот берди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туман ҳудудида хўжалик юритувчи субъектларнинг текширилиши амалдаги қонунчилик асосида ташкил этилганлиги, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонуни ижросининг таъминланишига қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланганлиги, назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ишчи комиссиясининг йиғилишлари белгиланган муддатларда ўтказилиб, унда текширишларни тартибга солиш билан боғлиқ масалаларга танқидий баҳо берилганлиги айтиб ўтилди. Лекин шунга қарамай туманда назорат идоралари раҳбарлари орасида бошбошдоқликка йўл қўйилганлиги, интизомнинг етишмаслиги рўй-рост айтилди. Бундан ташқари, хўжалик раҳбарларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш учун қўшимча чора-тадбирлар кўрилиши зарурлиги таъкидланди.

Тўртинчи масала бўйича вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Эргаш Холматов сўзга чиқди. Вилоятда адлия ходимлари томонидан текширишларни тартибга солинишига доир қонунчилик талабларининг бажарилишини таъминлаш, кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш, улар фаолиятига назорат идораларининг асоссиз аралашувларининг олдини олиш, жойлардаги корхоналар, ташкилотлар, муассасаларга, шунингдек, қишлоқ хўжалиги корхоналарига контрактация шартномаларини тузишга амалий ёрдам кўрсатиш, тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш, уларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган ишларни қонун асосида белгиланган муддат ичида кўриб чиқилишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганлиги айтиб ўтилди.

Аммо мажлисда таъкидлаганидек, назорат органлари ва баъзи текширувчи идоралар томонидан ҳамон хўжалик субъектлари, айниқса, тадбиркорларнинг ҳуқуқини бузиш ҳоллари учраб турибди. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Шунинг учун ҳам мажлисда бу борада қатъий фикрлар айтилди, қонун устиворлигини таъминлаш учун барча чоралар кўрилиши зарурлиги таъкидланди.

Шу куни комиссия йиғилишида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳуқуқингизни биласизми?

# ОДИЛ СУДЛОВ КРЕДИТОРНИ ҲИМОЯЛАЙДИ

***Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 январдан кучга киритилган Хўжалик процессуал кодексида «Суд буйруғи» институти вужудга келди. Республика қонунчилигида янгилик бўлиб, Хўжалик процессуал кодексининг 14-бобидан жой олган «Суд буйруғи» институти қонуний кучга кирганидан буён ўтган икки ярим йил мобайнида суд буйруғи билан қарзларни ундириш тўғрисида кредиторлардан тушган аризаларни ўрганиш ва қонуний ҳал этиш жараёнларида камчиликларга, адолатсизлик ва қонунбузарликларга йўл қўйиш ҳоллари учраб турибди. Шу муносабат билан мухбиримиз вилоят хўжалик суди судьяси Қувончбой Ҳамидуллаевдан «Суд буйруғи» институтининг мазмун-моҳиятини кенг ва атрофлича тушунтириб беришни илтимос қилди.***

– Аввало, хўжалик судининг асосий вазифалари ҳақида икки оғиз сўз. Хўжалик судлари корхона, ташкилот, муассаса, акциядорлик жамиятлари, ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликлари, хусусий корхоналар, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг иқтисодиёт соҳасидаги ҳуқуқлари ва манфаатларини одил судловни амалга ошириш орқали ҳимоя қилади. Хўжалик суди низоларни корхона, ташкилот ва муассасаларнинг мулкчилик шаклидан, кимга бўйсунишдан, фуқароларнинг эса ижтимоий келиб чиқиши ва бошқа ҳолатлардан қатъий назар уларнинг қонун ва суд олдида мутлақо тенг эканликларини ҳисобга олган ҳолда ҳал этади.

Хўжалик судлари низоли ишларни тарафларнинг вакиллари иштирокида суд мажлисида атрофлича ўрганиб, муҳокама қилиб, ҳал қилув қарори, ажрим, қарор, суд буйруғи шаклида ҳужжатлар қабул қилади. Суднинг қонуний кучга кирган ҳужжати Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасига биноан барча давлат ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, ташкилот, муассаса, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлиб, мамлакатнинг бутун худудида ижро этилиши шарт.

**– Суд буйруғини чиқаришни сўраб кимлар мурожаат қилиш ҳуқуқига эга ва аризага яна қандай ҳужжатлар илова қилиниши керак?**

– Суд буйруғини сўраб ариза бериш кредитор ихтиёрида бўлади. Буйруқ кредиторнинг аризасига кўра томонларни суд мажлисига чақирмай ва суд муҳокамасисиз қонунда белгиланган талаблар асосида ва талабларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда судья томонидан берилади. Агар қарздор унга кредитор томонида қўйилган талабдан норози бўлса ва ўртада ҳуқуқий низо мавжуд, деб ҳисобланса, буйруқ бериш суд томонидан рад этилади.

Хўжалик процессуал кодексининг 104-моддасига мувофиқ аризага мурожаат қилинаётган хўжалик судининг номи, кредитор ва қарздорнинг номи, уларнинг манзиллари, кредиторнинг қонунга ҳавола қилинган талаби, талабни асослайдиган ҳолатлар ва уни тасдиқлайдиган далиллар, ундириладиган миқдорнинг ҳисоб-китоби ва аризага қўшиб тақдим этилаётган ҳужжатлар рўйхати илова қилинади.

**– Суд буйруғини чиқариш ва уни амалга ошириш тартиб-қоидалари қандай кечади?**

– Суд буйруғини чиқаришдан мақсад тан олинган қарзни суд далолатномасига асосан соддалаштирилган тарзда ундиришдан иборат. Кредитор қарзни қарздорнинг пул маблағидан, пули бўлмаган тақдирда эса мол-мулки ҳисобидан ундириш ҳақида қарздор истиқомат қиладиган шаҳар ёки вилоят хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Шу билан бир вақтда у аризанинг кўчирма нусхасини қарздорга топширишга мажбур. Ариза нусхасини қарздор корхонанинг раиси, унинг ўринбосари, бош ҳисобчи, қабулхона котиби ва бошқа мансабдор шахслардан бири имзосини қўйиб, исм-фамилияси ва лавозимини ёзиб, аризани қабул қилиб олган йили, ойи ва кунини аниқ кўрсатиб, корхонанинг муҳри ёки штампини босади. Чунки, суд буйруғи ижро ҳужжати кучига эга бўлиб, қарзни ундириш буйруқ берилганидан сўнг ўн кун муддат ўтгач, ҳужжат ижроси белгиланган тартибда амалга оширилади. Суд буйруғи бериш учун зарур бўлган ўн кунлик муддатни ҳисоблаш эса ариза топширилган кундан бошланади. Қарздор кредиторнинг суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризасини қабул қилиб олган кундан бошлаб ўн кун ичида кредитор бу талабга қарши эътирози ёки розилигини тасдиқлайдиган ҳужжатни судга тақдим этмаса, бу ҳол суд буйруғини бериш учун асос бўлади.

**– Ижро ҳужжати кучига эга бўлган суд буйруғини бажармаганлик учун қандай жазо чоралари белгиланган?**

– Хўжалик процессуал кодексининг 218-моддасига мувофиқ суд ҳужжатининг ижро варақаси топширилган банк ёки бошқа кредит муассасаси уни бажармаса, хўжалик суди уларга ундирилиши лозим бўлган миқдорнинг эллик фоизигача жарима солади. Ижро варақасида кўрсатилган ҳаракатларни бажариш юклатилган шахс уни бажармаса, энг кам иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда жарима солинади. Таъкидлаш жоизки, жаримани тўлаш суд ҳужжатини ижро этиш мажбуриятидан озод қилмайди.

**– Кредиторнинг суд буйруғини бериш ҳақидаги аризаси суд томонидан рад этилиши ҳоллари ҳам учраб турадими?**

– Кредитор аризани давлат божи ёки почта харажатини тўламасдан берган ҳолларда суд Хўжалик процессуал кодексининг 107-моддаси 5-бандига мувофиқ уни рад этади. Бундай ҳолларда ажрим чиқарилади ва томонларга почта орқали жўнатилади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, кредиторнинг аризасини иш юритиш учун суд томонидан қабул қилиш ҳақида ажрим чиқариш қонунчилик билан белгиланмаган. Чунки, суд буйруғи томонларни суд мажлиси муҳокамасига чақирмай, Хўжалик процессуал кодексининг 103, 106 ва 109-моддаларига асосланган ҳолда судья томонидан якка тартибда берилади.

**– Вилоят хўжалик судига аризалар кўп тушадими?**

– Албатта. Масалан, суд буйруғи орқали қарзни ундириб беришни сўраб ўтган йил давомида 455 кредитор мурожаат этган бўлса, давлат солиқ инспекциялари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат бюджетига солиқ ва мажбурий тўловларни уларнинг мол-мулки ҳисобидан ундириб бериш ҳақида 556та ариза тушди.

2001 йилнинг олти ойи давомида 185 кредитор ариза топширган бўлса, солиқ инспекциялари 352 марта мурожаат қилди. Шу рақамлардан кўриниб турибдики, кредиторларнинг аризалари камайиб, солиқ инспекцияларининг мурожаатлари, аксинча, кўпайиб бормоқда. Бу эса кредиторларнинг ўз қонуний ҳуқуқларидан тўла фойдаланмаётганларини кўрсатади.

***Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ суҳбатлашди.***



# ИШЧИГА ИМКОНИЯТ КЕНГ

Ислоҳот самаралари

**Бу йил далаларимизда ҳосил мўл, хирмонлар баракали бўлди. Айниқса, тегирмон бошига тўкилган дон уюмлари киши кўзини қувнатади.**

«Оҳангарон дон» очиқ турдаги акциядорлик жамияти ҳам бу йил ҳар галгига нисбатан катта масъулиятни ўз зиммаларига олди. Жамиятнинг 2001 йил иш режасида 17 минг тонна ғалла қабул қилиш кўзда тутилган эди, аммо амалда эса тегирмонга 17 минг 500 тонна дон келтирилди.



Ҳозирда корхона томонидан кунига 410 тонна ун ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Тегирмондан чиқаётган олий, биринчи ҳамда «Ўзбекистон» навли унлар пешма-пеш савдо тармоқларига етказиб берилмоқда. Харидорлар миннатдор.

Албатта, шунча масъулиятни бўйнига олган корхонада барча техник имкониятлар замон талаби даражасида бўлмоғи лозим. Ана шу шароитни яратиш мақсадида корхона раҳбарияти Россияда ишлаб чиқарилган 100 миллион сўмлик янги машина-ускуналарни келтириб ўрнатди.

– Ушбу янги техниканинг афзаллиги ва унинг қулай тарафи шундаки, – дейди корхона раҳбари Зайниддин Мусаев, – ҳар тарафлама иқтисод қилишни таъминлайди. Биринчидан, бу техника чанг-тўзондан холи бўлиб, атроф-муҳит тозалигини, қолаверса, ишчи-хизматчилар соғлиғини сақлаш имкониятини беради. Иккинчидан эса, электр энергияси кам сарф бўлади. Янги техниканинг асосий жиҳати эса, маҳсулот сифатини яхшилайди.

Уч сменада фаолият кўрсатувчи ушбу тегирмонда 360 киши меҳнат қилади. Ишловчилар учун етарли шарт-шароитлар муҳайё бўлиб, ошхона, озиқ-овқат дўкони, новвойхона мунтазам хизматда. Бу йил катта маиший хизматлар уйини ишга тушириш кўзда тутилган.

Жамоа аъзоларини ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказиш йўлга қўйилган.

– «Оналар ва болалар йили» муносабати билан корхонамизнинг 144 нафар хотин-қизлари ҳар тарафлама тиббий кўрикдан ўтдилар, – дейди биринчи тегирмон бошқарувчиси Зуҳра Умарова. – Бирон-бир касаллик аниқланган аёлларга даволаниш учун корхона касаба қўмитаси томонидан шифо масканларига йўлланмалар берилди.

Корхона жамоасини қувонтираётган яна бир жиҳат ишчиларнинг фарзандларига ёзги дам олиш оромгоҳларига йўлланмалар берилгани бўлди. Бу йил ҳам биринчи ва иккинчи мавсумда 30га яқин болакай Бўстонлиқ туманида жойлашган «Наргис» оромгоҳига имтиёзли йўлланма олди.

Ҳуллас, бугун корхонада ишлар авж палласида. Ишчилар ўз меҳнатларидан миннатдор бўлмоқдалар. Қаердаки ишчига ана шундай эътибор, имконият бўлар экан, ўша ерда ривожланиш, олға силжиш бўлади.

***Равшан ЁҚУБЖОНОВ.***



*СУРАТЛАРДА: корхонанинг моҳир ишчилари Саломат Қуролова, Зоир Мингбоев (юқорида) ва Галина Эмларни иш устида кўриб турибсиз.*

***Дилшод АҲМЕДОВ олган суратлар.***

10 АСРГА ТАТИГУЛИК ЙИЛЛАР

## 2. Буни ишбилармонлик дейдилар

ЮҚОРИЧИРЧИҚ ТУМАНИ:

# ЮРТНИНГ ОБОДЛИГИ – МЕҲНАТНИНГ ҚАДР ТОПГАНЛИГИДАНДИР

**«Гулистон» хўжалигининг чорвачилик фермаси ҳам бошқа жойлардаги сингари хусусийлаштириш пайтида ҳақиқий эгасини тополмай қолган эди. Ўтган давр мобайнида бу хато жуда қимматга тушди. Моллар қаровсиз қолди. Табиийки: бундай ҳолда маҳсулдорлик ҳам, насл олиш ҳам кескин камайди. Мисоллар ҳам шуни тасдиқлайди.**

2000 йилнинг октябрь ойида ферма узоқ йиллар назорат тизимида ишлаган, тажрибали мутахассис Абдужалол Сайфиддиновга топширилди.

Чорвачилик шунақа соҳаки, кўзлаган мақсадга эришиш учун маблағни аямай сарфлаш ва энг муҳими ишонч, қунт, ихлос, фидойилик билан меҳнат қилиш талаб этилади. Саҳоватли, бағри кенг, элюртни ўйлайдиган ишбилармонлар фермада ана шундай вазиятни қарор топтириш учун зарур чора тадбирлар кўра бошладилар. Молларни, айниқса, соғин сигирларни тажрибали мутахассислар ёрдамида зудлик билан даволашга киришдилар. Зарур дори-дармонлар етарли қилиб таъминланди.

Сўнгра мавжуд 300 гектар майдонда экиладиган озуқалардан иложи борича кўпроқ ҳосил олиш учун ҳаракат қилдилар. Ҳаракат зое кетмади. Кузга бориб 150 гектар бедазорнинг ҳар биридан 150 центнердан пичан ҳосили олинди. Бошқа озуқа экинлари: маккажўхори, хашаки лавлагининг ҳам ҳосилдорлиги кескин кўтарилди. Ферма ем-хашакка ва бошқа озуқаларга тўлдирилди. Ўз-ўзидан жонланиш пайдо бўлди. Чунки чорвадорларнинг ҳам меҳнати қадр топган эди. Уларни яхши натижа учун рағбатлантиришга, қизиқтиришга алоҳида эътибор берилди. Хусусийлашган фермага яхши ният билан «Ал-баракат» деб ном қўйилган эди. Натижалар, самаралар ҳам номига яраша бўлмоқда. Ҳар бир сигирдан 3-3,5 минг литр сут соғиб олишни мўлжалламоқдалар.

– Фермамиз, – дейди Абдужалол, – наслчилик заводи сифатида фаолият кўрсатмоқда. Зотан, асосий мақсадимиз ҳам фақат сифатли мол боқиб, сифатли маҳсулот етиштиришдир. Демоқчиманки, биз чорвачиликни ривожлантиришда интенсив йўлдан бораяпмиз. Бунинг маъноси шуки, моллар бош сонини кўпайтириш асосий мақсад эмас, фақат зотли, сара, агар жоиз бўлса, биттаси иккита сигирнинг ўрнини босадиган мол боқишдир. Ана шунда уларга қаров ҳам, парвариш ҳам яхши бўлади. Бир кунда бир бош соғин сигирдан олинадиган сутдан камида 48-50 сўм соф фойда кўришимиз шарт! Ҳар юз бош сигирдан эса, камида 90 бошдан насл бузоқ оламиз ва бузоқлар ким ошди савдосига қўйиб сотилади.

«Политотдел» хўжалиги таркибидан чиққан «Дўстлик» ширкат хўжалиги фермаси базасида ташкил этилган «Мавлудахон» хусусий фермасида ҳам ана шундай яхши тадбирлар амалга оширилаётганлиги, ҳали унча кўп вақт ўтмаган бўлса-да, натижалар қувончли бўлаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Энг муҳими ҳар икки хусусий ферма мутасаддилари саховатпешаликда ҳам ўрнак бўлмоқдалар. «Ал-баракат» фермаси туғруқхона, ҳамда марказий шифохонада таъмирлаш, даволаш ишларини олиб бориш учун 4 миллион сўмга яқин пул ўтказиб берди. «Мавлудахон» фермаси эса мактаб, боғча қуриб бераяпти, ва ҳоказо. Бундай тадбиркорлар сони кўпайиб боряпти. Шу нарса қувонарлики, ишбилармонлик, тадбиркорлик, қишлоқ хўжалигининг бошқа муҳим тармоқлари: пахтачилик, ғаллачиликда ҳам ютуқларнинг омили бўлаяпти. Сир эмас, 1999-2000 йилларда хўжаликлар йилни анча ночор молиявий кўрсаткичлар билан якунладилар. Ҳокимлик бундай аҳволнинг келиб чиқиш сабабларини, соҳаларда йўл қўйилган камчиликларни чуқур ўрганди, таҳлил этди, уларнинг такрорланмаслиги учун зарур чоралар кўрилди. Раҳбар кадрларни ва мутахассисларни танлаш, жой-жойига қўйиш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Энг муҳими тадбиркорлар, ишбилармонларнинг эмин-эркин меҳнат қилишлари учун барча шароитлар яратилди. Туман бўйича 2001 йил 22 минг гектар майдонда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилмоқда. 6,9 минг гектар майдонда пахта, 11,3 минг гектар майдонда бошоқли дон, 2,1 минг гектар майдонда озиқабоп қишлоқ хўжалик экинлари, 1,7 минг гектар майдонда сабзавот, картошка, полиз ва бошқа экинлар етиштирилаётир.

Ғалла етиштиришда ўтган йилларга нисбатан катта силжиш бўлди. Ҳосилдорлик сувли ерларда сал кам 42 центнерни ташкил этди. Айрим хўжаликлар, жамоалар гектаридан 48-50 центнердан ошириб хирмон кўтардилар. Шартнома шартларини бажарган пудратчилар ўз омборларига тонна-тонна дон тушириб олдилар.

Пахтачиликда ҳам ярим йилликда катта ишлар амалга оширилди. Андижонликлар усули туманда ҳам кенг ёйилмоқда. «Гулистон» ширкат хўжалигида фаолият кўрсатаётган Шарипа Ҳамидова бошлиқ жамоадаги ишлар бунга мисолдир. Бу бригадада 76 гектар майдоннинг барчасида плёнка тагида чигит ундирилиб, ғўза эртаги қилиб ўстирилди. Ҳозир бригада далаларида пахта қийғос очила бошлади...

Таҳлиллар фермер, деҳқон хўжаликлари белгиланган тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда катта меҳнат қилаётганликларини кўрсатади. Деярли 302та фермер хўжаликлари: 55та деҳқон фермер хўжаликлари фаолияти бунга мисол бўла олади. Чорвачиликдаги ютуқларнинг омили ҳам кўпроқ фермер хўжаликларига бориб тақалади. Улар гўшт, сут етиштиришни ўтган йиллардагига нисбатан кўпайишини таъминламоқдалар. Масалан, «Тано» фермер хўжалиги ўтган йилга нисбатан 15 тонна кўп гўшт топширди. «Эргаш-ота» фермер хўжалиги ҳам яхши натижаларга эришмоқда. «Муназзалхон» фермер хўжалиги сут етиштиришни кўпайтиришнинг ҳадини олган.

Қисқаси, туман қишлоқ хўжалигида ишбилармонлик, тадбиркорлик билан фаолият кўрсатиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда.

**РАҚАМЛАР САЛМОҒИ**

***• Туманда давлат мулки шаклидаги 52 та хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб турибди. Нодавлат мулки шаклидагилари сони эса 309тага етди.***

***• Кичик корхоналар сони 160 тани ташкил этмоқда. Қўшма корхоналар сони 12 та.***

***• Саноат корхоналарида ўтган йили 2 миллиард 327 миллион 614 минг сўмлик ҳажмида турли маҳсулотлар (иш ва хизматлар) ишлаб чиқарилди. Ўсиш суръати олдинги йилдагидан уч баравар кўп бўлди.***





*СУРАТЛАРДА: «Мавлудахон» масъулияти чекланган чорвачилик-наслчилик заводи бош зоотехниги Қурбонали Бойқорашев ва молбоқар Ким Александрлар иш устида. Шунингдек, бу ерда аҳолига тегишли мебеллар таъмирлаб берилади. Ўнгдаги суратда эса 600 ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши акс эттирилган. Уста Даврон Амреев ва ғишт терувчи Сафар Расуловларни кўриб турибсиз.*

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЯПОНИЯ МАДАНИЯТИ

***Шу йилнинг 27 августидан эътиборан бир ой мобайнида Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари ўтказилади.***

Ушбу тадбир Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ўзаро маданий алоқаларни янада ривожлантиришни ҳамда ўзбек халқини япон маданияти ва санъати билан яқиндан таништиришни кўзда тутади.

Режага кўра, Япония маданияти кунлари Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида очилади. Тадбирлар дастурига биноан, А. Навоий номидаги катта академик театрда «Юдзуру» операси намойиш этилади.

***«Туркистон-пресс»***

# «ҚИБРАЙ» – ДУНЁ БОЛАЛАРИ ХИЗМАТИДА

***Тошкент вилоятидаги «Қибрай» болалар оромгоҳида бешинчи халқаро ёшлар лагерининг тантанали очилиш маросими бўлди. Бу ерда Марказий Осиё давлатлари, шунингдек, Япония, Германия, АҚШ ҳамда Афғонистондан келган 200 нафарга яқин ўқувчи ва талаба 21 августгача мириқиб дам олади.***

Ушбу лагер Ўзбекистон Республикаси ЮНЕСКО Ишлари бўйича миллий комиссияси, Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан «Халқаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ва тинчлик маданияти» шиори остида ташкил этилган.

Гўзал табиат қўйнида ҳордиқ чиқариш баҳона хориждаги ёшлар билан дўстлашиш, спорт мусобақалари ўтказиш ва шу орқали дунё халқлари бирдамлигини мустаҳкамлашга, озгина бўлса-да, ҳисса қўшишга не етсин! Лагер ташкилотчиларининг асосий мақсади ҳам шу. Улар ЮНЕСКО Бирлашган мактаблар дастурига мувофиқ, ёш авлод онгига тинчлик ва дўстлик ғояларини чуқур сингдириш, ўзаро ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлида кўпгина хайрли ишларни амалга ошириб келаяпти. Дунё бўйича мазкур дастурга киритилган болалар муассасалари тўрт мингга яқинлашиб қолган. Ўзбекистонда ҳам айни пайтда БМТ тасарруфида 22 умумтаълим мактаби, тўртта академик лицей ва касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Ана шу мактаблардан ҳам бир гуруҳ ўқувчилар мазкур халқаро ёшлар лагерига таклиф этилди.

– Беш йил аввал Бўстонлиқ туманидаги «Элбрус» оромгоҳида худди шундай лагер ташкил этган эдик, – дейди ЮНЕСКО ишлари миллий комиссия вакили, лагер бошлиғи Алишер Аҳмедов. – Бу галгиси ҳам мазмунли ва қизиқарли тадбирлар билан бойитилган. Қувонарлиси шуки, юртимиздаги ва хориждаги жуда кўп жамоат ташкилотлари бизни қўллаб-қувватлаётир. Бутун дунё ёшлари орасида тинчлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик ғояларини тарғиб қилувчи лагеримизга хайрихоҳлар сафи кенгайиб бормоқда. Лагеримиз ҳаёти ўзига хос. Режалаштирилган барча тадбирларнинг ташкилотчиси, ташаббускори болаларнинг ўзи. Биз, катталар, уларга йўл-йўриқ кўрсатиб борамиз, холос. Зеро, ёшларга ишонч уларни мустақил фикрлашга ўргатади, олижаноб ва бағрикенг инсон бўлиб ўсишига ёрдам беради.

Тошкентдан ўттиз чақиримча олисда жойлашган хушҳаво оромгоҳда турли мамлакат болалари бир оила фарзандларидай тил топишиб, дўстлашиб олдилар. Улар бир-биридан бежирим ва чиройли коттежларга жойлашиб, икки ҳафталик таътилни қизиқарли ва эсда қоларли қилиб ўтказиш учун нима қилиш лозимлиги тўғрисида мунозарага киришди.

Иккинчи куни, кечки салқинда барча тантаналар майдонига йиғилди. Лагернинг очилиш маросими Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳиясининг ижроси билан бошланди.

Ўн беш кун давомида болалар ранг-баранг мавзуларда ўқув машғулотлари ҳам ўтказади. Машғулотлар умуминсоний қадриятлар, БМТнинг Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги фаолияти, минтақадаги экологик масалалар, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ каби ташкилотлар фаолияти хусусидаги давра суҳбатларидан иборат. Шунингдек, оммавий спорт мусобақалари, турли кўрик-танловлар, театр фестиваллари ўтказилади.

***Н.Душаев, ЎзА мухбири***

# 10 АСРГА ТАТИГУЛИК ЙИЛЛАР

## 4. Ҳаммаси фаровонлик учун

**Туман маркази ва қишлоқларида бўлсангиз ижтимоий соҳани ривожлантиришга ҳам катта аҳамият берилаётганлиги кўзга ташланади. Уларнинг кўпчилигида аҳолига турли хизматлар кўрсатувчи катта-кичик иншоотлар, уй-жойлар қурилаяпти, айримларида газ ва ичимлик сув қувурлари тортилмоқда, тиббиёт, халқ таълими, савдо-сотиқ, маиший хизмат кўрсатишга ихтисослашган муассасалар тармоқлари таъмирланиб, янги замонавий қиёфа касб этмоқда.**

Мустақиллик бошланганидан кейин, айниқса, кейинги йилларда қишлоқлар аҳолисининг турмуш даражасини оширишнинг муҳим тармоқлари кириб борган хонадонлар кескин кўпайди. Сўнгги бир ярим йил давомидаги қисқа муддатда бу соҳада амалга оширилган ишларнинг ўзи ҳам фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Ўтган йили ишга туширилган газ тармоқларининг узунлиги 22 километрни ташкил этди. Жорий йилда эса ўн километр узунликдаги «зангори олов» қувурларини ёткизиш назарда тутилган эди. У биринчи ярим йилликдаёқ деярли амалга ошириб қўйилди. Мустақилликнинг ўн йиллигигача яна ками билан 4,2 километр газ қувурлари тортилиб, у юзлаб оилаларга кириб боради. Ҳозиргача аҳолини бу қулай ёқилғи тури билан таъминлаш 96 фоизга етказилди.

Ўтган бир ярим йил давомида 6,4 километр узунликдаги сув қувурлари фойдаланишга топширилди. Жорий йилда Янгибозор қўрғони ва Кавардон қишлоғи аҳолиси бундан баҳраманд бўлди. Шу кунларда эса Саксонота қишлоғида икки километр узунликдаги ичимлик сув қувурларини ёткизиш ишлари жадал олиб бориляпти. У умумхалқ байрами арафасида битказилади. Ҳозир туманда ичимлик сув тармоқларининг узунлиги 269 километрга етди.

Кейинги вақтларда ижтимоий соҳанинг муҳим тармоқлари ҳисобланган соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданият ва спортни ривожлантиришга катта аҳамият бериляпти.

Жумладан, узоқ йиллар давомида таъмирланмай келаётган марказий касалхона мукаммал таъмирланди, бу ерга беморларни тез ва сифатли даволаш учун зарур бўладиган турли хил тиббиёт асбоб-ускуналари келтириб ўрнатилди. Туман поликлиникасини таъмирлаш учун 4 миллион сўм маблағ сарфланди, туғруқ мажмуаси қиёфаси ҳам кўркамлаштириляпти.

Халқ хўжалигининг барча тармоқлари қатори туман соғлиқни сақлаш тизимида ҳам ислоҳотлар чуқурлашиб бормоқда. Хусусан, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш йўлга қўйилмоқда ва кенгаймоқда. Агар ўтган йили хизматнинг бу туридан тушган маблағ салкам уч миллион сўмни ташкил этган бўлса, бу йилнинг ўтган даврида тўрт миллион сўмдан ошиб кетди. Туманда битта хусусий қишлоқ шифокорлик пункти ҳам очилди.

Туман ижтимоий соҳасининг бошқа тармоқларида ҳам амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари, замонга



# ЮҚОРИЧИРЧИҚ ТУМАНИ: ЮРТНИНГ ОБОДЛИГИ – МЕҲНАТНИНГ ҚАДР ТОПГАНЛИГИДАНДИР

хос янгиликлар, ижобий ўзгаришлар, олға томон силжишлар ўз аксини топмоқда. Халқ таълими соҳасида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонунни амалга ошириш юзасидан бошланган ишлар кўлами тобора кенгайтириб борилмоқда. Ҳаммаси бўлиб 41та умумтаълим мактабларида туман аҳолисининг 24 минг 304 нафар фарзандлари билим асосларини ўрганмоқдалар. Бундан ташқари, битта ҳунар-таълим мактабида юзлаб ёшлар ҳам ўқимоқдалар, ҳам ҳунар эгалламоқдалар. Туманда учта мактабдан ташқари муассаса ишлаб турипти. Биргина болалар ва ўсмирлар ижодий марказида 25 турдаги тўгарак ташкил этилган. Ҳозирги кунда бу тўгаракларга 350 нафарга яқин юқоричирчиқлик ёшлар қатнашмоқдалар. «Ёш техниклар уйи» тўгаракларида қатнашаётган ўқувчилар сони 1740 нафарга етди. Улар 23та тўгаракда турли техника ижодкорлиги билан шуғулланмоқдалар. «Ёш табиатшунослар уйи» иштирокчилари сони 410 нафар:

Халқ таълимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Фақатгина 2001 йилнинг биринчи ярмида 7та мактабда 16,5 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Жумладан, 4та мактабга газ уланди, иситиш тармоқлари мукаммал таъмирланди. Барча мактаблар жорий таъмирланмоқда. Ҳозиргача 15таси янги ўқув йилига тахт. Туманда «Шанба мактаблар куни» деб эълон қилинди. Таълим муассасаларининг таълим-тарбия ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича ҳомийлар ва назоратчилар белгиланди. Ҳомийлар мактабларнинг таъмирлаш ишларига 7 миллион сўм маблағ билан ёрдам бердилар.

Туманда маданият ва спорт ҳам ривожланмоқда. Бу ерда клублар сони 22тага етди. Айни вақтда 5та маданият саройлари ишлаб турибди. Ўйингоҳлар учта бўлса, ҳар бир қишлоқда спорт майдонлари, яшил майдончалар ташкил этилган. Уларнинг сони 25тага борди. Ёш авлодни спорт ва жисмоний тарбияга кенгроқ жалб этишга астойдил ҳаракат қилинмоқда, 2та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари мавжуд бўлиб, уларда 34 нафар мураббий ишлаб, салкам бир ярим минг ёшлар аъзо бўлган спортнинг футбол, волейбол, бокс, стол теннisi, миллий кураш, грекримча кураш, оғир ва енгил атлетика, чим устида хоккей ва дзюдо спорт секцияларида машғулотлар олиб бормоқдалар.

Маданият уйлари ва клубларда 57та тўгараклар ташкил этилган. Туманда «Халқ дастаси» унвонига сазовор бўлган 4та жамоа фаолият кўрсатмоқда. Маданият муассасалари мустақиллигимизнинг ўн йиллигига бағишланган турли мавзуларда кечалар, учрашувлар, давра суҳбатлари ва бошқа шу каби тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Туман иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётидаги ижобий ўзгаришларнинг ҳаммасини батафсил санаб ўтиш анча мушкул. Юқорида уларнинг айримларини тилга олдик, холос. Юқоричирчиқликлар бу ҳали порлоқ истиқбол сари қўяётган залворли одимларимиз, белгиланган режаларимизнинг дастлабки натижалари деб ҳисобламоқдалар. Улар диёримиз келажакда буюк давлат бўлишига ҳисса қўшиш учун бунёдкорлик ишларини янада кучайтиришга азму қарор қилганликларини айтмоқдалар. Уларнинг шу мақсадда белгилаган режалари тўла амалга ошишига тилакдошмиз.



**РАҚАМЛАР САЛМОҒИ**

***• Кейинги икки ярим йил ичида 45,6 километр узунликдаги газ қувурлари ишга туширилди. Туманнинг табиий газ билан таъминланиш даражаси 96 фоизга етди. Ичимлик сув тармоқларининг узунлиги 269 километрга етиб, аҳолининг 84 фоизи марказлашган сув тармоқларидан фойдаланмоқда.***

***• 6та касалхона, 11та поликлиника, 18та фельдшер-акушерлик пунктлари, 7та қишлоқ даволаш сиҳатхоналари, 3та қишлоқ даволаш пунктлари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.***

***• 22та клуб, 5та маданият саройи, 3та ўйингоҳ, 25та спорт майдончалари юқоричирчиқликлар ихтиёрига бериб қўйилган.***

***• Аҳоли фарзандлари 41та умумтаълим мактаби, битта ҳунар-таълим мактабида фан ва ҳунар сирларини ўрганмоқдалар. 36та болалар боғчаси болакайларни ўз бағрига олган.***

***Носир РИХСИЕВ, Мирсобир МИРҲАМИДОВ, Даврон АҲМЕДОВ (суратлар), «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.***

*СУРАТЛАРДА: туман марказий шифохонаси болалар бўлими мудири Узира Эргашева кичкинтойлар даврасида; «Дўстлик» маҳалласи қариялари бир пиёла чой устида ўзаро суҳбатлашмоқдалар.*

# ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ

***Тошкентдаги «Ўзкўргазмасавдо» республика ярмарка савдо марказида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ёшлар ўртасида IX жаҳон чемпионатининг очилиш маросими бўлди.***

– Ўн йил муқаддам юртимизда бундай нуфузли мусобақани ўтказишни тасаввур қилиш мушкул эди, – деди тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. Кароматов. – Бугунги кунда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ва олимпия ҳаракатини янада ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, 1997 йилдан буён эркин ва юнон-рум кураши бўйича «Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги» баҳслари зўр муваффақият билан ўтказиб келиняпти.

Бундай нуфузли мусобақага мезбонлик қилиш катта масъулият талаб этади. 125 мамлакатнинг кураш уюшмаларини бирлаштирган Халқаро ҳаваскорлар кураши федерацияси – ФИЛА ишончини оқлаш учун йирик мусобақаларни юқори савияда ташкиллаштириш ва ўтказиш имкониятларини кенг кўламда намойиш қилиш керак. Ўзбекистонда спорт курашлари уюшмаси ташкил этилгандан буён жаҳон чемпионатини Тошкентда ўтказишга эришишга ҳаракат қилди. ФИЛА ишончини қозонишда «Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги» мусобақасининг юқори савияда ташкил қилинаётгани алоҳида аҳамият касб этди. Ваҳоланки, бу турнир бугунги кунда «Гран-при» туркумидаги энг яхши беш мусобақадан биридир.

Спортчиларимизнинг халқаро майдонда эришаётган муваффақиятлари ҳам мамлакатимизда спорт ва олимпия ҳаракати тобора тараққий этиб бораётганидан далолат бермоқда. Хусусан, Адҳам Очилов, Дамир Захардинов, Расул Катиновасов, Артур Таймазов, Баҳодир Қурбонов, Дилшод Орипов ва Руслан Биктяков каби иқтидорли спортчиларимизнинг рейтинг бўйича ўз вазн тоифаларида 2000 йилнинг энг яхши полвонлари ўнлигидан жой олганини ҳам алоҳида таъкидламоқ жоиздир.

Тошкентда ўтадиган мазкур жаҳон биринчилигига элликдан ортиқ мамлакатнинг олти юздан зиёд спортчиси ташриф буюрган. Чемпионатда бунчалик кўп спортчининг иштирок этиши баҳслар қизғин ва муросасиз ўтишидан дарак беради. Мухлислар шундай кучли рақобатда ёш полвонларимизнинг муваффақият қозонишига ишонмоқда. Мураббийларимиз эркин кураш бўйича Д. Мансуров, Б. Қосимбетов, Б. Эрматовга, юнон-рум кураши бўйича эса М.Мадаминов, Т. Фатхулин ва С. Наврўзовга катта умид боғлаган.

Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида ўтказилаётган бу мусобақа 13 августгача давом этади.

Мусобақанинг очилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва ФИЛА вице президенти М. Биро иштирок этди.

***Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири.***

# САФАРДАГИ ҒАЛАБА

***Куни кеча мамлакатимиз ўйингоҳларида ўнинчи миллий чемпионатнинг навбатдаги тур учрашувлари бўлиб ўтди.***

Турнинг марказий ўйини ҳисобланган «Самарқанд-Д» – «Дўстлик» учрашувини томоша қилгани келган футбол мухлислари адашмадилар. Ўйиннинг дастлабки дақиқаларидан фаол ҳаракат қилиб ташаббусни қўлга киритган меҳмонлар, тўртинчи дақиқадаёқ майдон эгалари дарвозасига тўп киритиб, ҳисобни очишга эришдилар. Майдон эгаларининг ўз жарима майдонларида қўполлик қилганликлари учун ҳакам ўн бир метрлик жарима тўпи белгилади. Уни Февзи Давлетов қойилмақом қилиб дарвозага йўллаб, биринчи тўп муаллифи бўлди. Шундан сўнг майдон эгалари қарши хужумга ташландилар ва уларнинг хужумларидан бири самарали якунланди. Шуҳрат Жабборов еттинчи дақиқада ҳисобни тенглаштирди. Ўйин кескин вазиятларга бой бўлди. 25-дақиқада «Дўстлик» ўйинчиси Алексей Кликунов рақиб дарвозасига тўп киритиб, ўз жамоасини 2:1 ҳисобида олдинга олиб чиқди. 5 дақиқа ўтар-ўтмас меҳмонлар яна бир тўп киритиб, ҳисобни 3:1га етказдилар. Майдон эгаларининг хужумларидан бири 44-дақиқада самарали якунланди. Равшан Бозоров иккинчи жавоб тўпини киритиб, орадаги фарқни қисқартирди. Жамоалар танаффусга 3:2 ҳисобида чиқиб кетдилар. Танаффусдан сўнг ҳам ҳар икки жамоа хужумкор руҳда тўп сурди. Яна омад меҳмонларга кулиб боқди. 52-дақиқада Абдуқаҳҳор Маъруфалиев ҳисобни 4:2га оширди. Бу ҳисоб ўйин тугагунча ўзгармади. «Дўстлик» чемпионатдаги ўн иккинчи ғалабасини қўлга киритиб 39та очко тўплаган ҳолда учинчи ўринни якка ҳолда банд этиб турипти.

«Нефтчи» ўз майдонида «Металлург»ни қабул қилиб, 5:1 ҳисобида йирик ғалабани қўлга киритди. Ўйиннинг сўнгги дақиқаларидагина меҳмонлар битта жавоб тўпини киритишга муваффақ бўлдилар. Пешқадам ўн олтинчи ғалабасини қўлга киритиб, 50та очко билан жадвалда карвонбошилик қилмоқда.

«Бухоро» ўз майдонида «Семурғ»ни қабул қилиб, 4:2 ҳисобида ғалаба қозонди. Майдон эгаларининг тўрт тўпига меҳмонлардан С. Адамян ва И. Отамуродов биттадан жавоб тўпи киритишга муваффақ бўлдилар. Бу ғалабадан сўнг «Насаф» 47 очко билан иккичи ўринда бормоқда. «Семурғ» эса 9 очко тўплаган ҳолда жадвалнинг сўнгги поғонасида турипти.

Навоийда кутилмаганда «Навбаҳор» ўйинни 3:1 ҳисобида «Қизилқум»га бой бериб қўйди. «Қизилқум» сўнгги ўйинларни кўтаринки руҳда ўтказиб, тўққиз ғалабадан сўнг 30 очко билан еттинчи ўринга кўтарилиб олди. «Сўғдиёна» ўз майдонида «Кимёгар» билан учрашиб, ўйинни 1:0 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Академия» – «Турон» – 5:1, «Трактор» – «Зарафшон» – 1:2.

Ўтказилган 9 учрашувда дарвозаларга 35та тўп киритилди. Икки учрашувда меҳмонларнинг қўли баланд келди.

Навбатдаги тур учрашувлари бугун – 11 август куни ўтказилади. Вилоятимизнинг олий табақадаги барча вакиллари сафарда – «Дўстлик» Жиззахда, «Металлург» Андижонда, «Семурғ» Навоийда, «Кимёгар» эса Самарқандда майдон эгалари билан бахслашади.

***Талъат ЮСУПОВ.***

**Қатра**

# НОН ИСИ



Мутал аканинг ҳали 4 ёшга тўлмаган набираси кунда бир хархаша қилади:

– Додажон, тандир нон егим келяпти. Аямга айтинг, жизза нон ёпиб берсинла, жон додажон!

Мутал ака бу қийин қистовдан келини олдида мулзам бўлди. Шукрки, оилалари ўзига тўқ, саранжом-саришта, ун сотиб олишга ҳам қурблари етади. Лекин эрта-индин ижара ерларидаги буғдойга ўроқ тушади. Уйлари сара буғдойга тўлиб тошади. Ортиқча харажатга на хожат? Кун оралатиб дўкондан нон харид қилиб туришибди.

Бола-бола-да. Мурғакнинг кўнгли нимани тусаса, шуни айтади.

– Додажон, жон додажон тандир нон егим келяпти...

Мутал ака халта кўтариб бозорга шошди. Иссиқ тандир нон билан бирга бир талай ширинликлар харид қилди. Набираси тушмагур ҳиёл совиган оппоқ нонга қиё ҳам боқмади. Ширинликлардан олаётиб, яна зорланди:

– Бунақа нонни емайман, ўзимизнинг тандир нонимиз ширин-да додажон.

– Озгина сабр қигин-да, болам. Ҳали – замон аяжонинг тандир тўлдириб нон ёпади, – Мутал ака мунчоқдек кўзлари жовдираб турган набирасини бағрига босди.

Сал кунда хонадонда буғдой ҳам, ун ҳам бисёр бўлди.

Мутал ака саҳармардона набирасининг шўх-шодон қийқириғидан уйғониб кетди. Димоғига ҳозиргина тандирдан узилаётган иссиқ нон иси урилди. Дафъатан танасидаги икки-уч кунлаб тинимсиз ўр-йиғ, янчишдек меҳнатдан ҳосил бўлган чарчоқ тарқалгандек бўлди. Оёқ-қўлларини эркин узатиб, ўзини қушдек енгил ҳис этди.

Хонадонларга қут-барака, файзиёб фаровонлик келтирувчи нон иси ана шундай улуғ шифобахш малҳамки, уни эъзозлаганлар, кўзларига суртганлар ҳеч қачон кам бўлмайдилар.

***С. ИНОМОВ.***

# ШОҲМОТ НИМА?

**(Учинчи мақола)**

***Ёш авлодда фан ва техниканинг барча соҳаларидаги тобора мураккаблашиб бораётган масалаларни муваффақиятли ҳал қилишда кўмаклашадиган энг яхши фазилатларни камол топтириш керак. Бу борада шоҳмот нима бера олишини биз юқорида айтиб ўтдик.***

«Бордию сиз бугун бирон бир муаллимга унинг синфида ҳеч бўлмаса ҳафтада бир соат шоҳмот дарси киритишни таклиф қилсангиз, – дейди профессор Клаус, – у сизга соатларга бўлинган ўқув режасини кўрсатиб, уни сиқиштиришнинг иложи йўқлигини исботлайди, қўяди. Бундай муаллимнинг хатоси қуйидагилардан иборат: бизнинг асримизда, яъни улкан информациялар оқими асрида билимнинг ҳамма соҳалари бўйича тўла маълумотлар беришнинг сира иложи йўқ. Биз фактларни ёдлаш ўрнига имконияти борича кўпроқ фактларга эга бўлиш ва уларни тушунтириш методларини ўрганиш билан шуғулланмоғимиз даркор.

Масалан, мен юқори синфларда кибернетикани ўқитиш тарафдориман. Шоҳмот ҳам тафаккур қилишнинг аниқ методларини ҳосил қилишда ўқувчиларга ёрдам беради. Шоҳмотни ўргатишни пастки синфлардан бошлаш айниқса, фойдалидир. Эндигина ўсиб келаётган болалар шоҳмот ўйини пайтида тафаккур қилишнинг диалектик, стратегик ва тактик методларига, албатта билиб-билмай ўрганадилар. Шунга қарамай, шоҳмот билан шуғулланиш умумий ўзлаштиришни яхшилайди. Системали равишда шоҳмот ўйнайдиган болалар бошқа тенгдошларидан анча юқори баҳога эгадирлар».

Одам саргузаштларни севади, бу унга ҳаётий заруратдир. Оғир синовлар эвазига эришилган ғалаба одамга қувонч бағишлайди. Шоҳмотдаги ғалаба ҳеч нарса билан чоғиштириб бўлмайдиган лаззат ҳисси туғдиради. Шундай қилиб, шоҳмот ўйини руҳиятни тетиклаштиришга ёрдам беради. Камдан-кам шоҳмотчи мастер бўлиб етишади, лекин шоҳмот ўйини ҳаммани бирдек ва доимо ўзига тортаверади. Шоҳмотнинг мана шу хусусияти оғир нохушликка йўлиқиши орқасида ижтимоий ҳаёт ва спортдан четлашиб қолган кишилар учун айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Шоҳмот киши характерининг таркиб топиши ва фикрлаш қобилиятини ўстиришда катта аҳамиятга эгадир. Шоҳмот, ўйновчидан ўзининг диққат марказини узоқ вақт давомида қаттиқ ишга солишни ҳамда фикрлашнинг мантиқий ва актив бўлишини ўйновчининг ташаббускор, дадил ва ижодкор бўлишини талаб этади. Мана шу фазилатларга эга бўлмаган шоҳмотчи юқори натижаларга эриша олмайди. Баъзи болалардаги хаёлпаришонлик хусусиятлари улар билан жиддий шуғуллана бошлаган даврларда кескин равишда камайиши тажрибадан ўтган. Шубҳасиз, бу ҳол шоҳмот ўйинининг киши генетикасига кўрсатган таъсирининг натижасидир. Шоҳмот фикрлашдаги хафсаласизликни, хаёлпаришонликни йўқотади. Шоҳмотда ўз позициясига ортиқча ишонган, рақибини менсимаган тараф кўпинча мағлубиятга учрайди. Кунт билан ўйнаш қийин аҳволга тушиб қолганда эсанкирамаслик ҳоллари эса ғалабага олиб келади. Шоҳмот мақсадга мувофиқ иш тутиш ва мустаҳкам ирода эгаси бўлиш руҳида тарбиялайди. Баъзан шоҳмотчилар ўз мағлубиятига тасодифий ҳол деб қарайдилар. Аммо бу фикр нотўғридир, чунки шоҳмот тахтасида тасодифий бўлиб турган ҳол аслида тасодифий нарса бўлмай, ўйловчида шоҳмот талаб қилган хусусиятлардан баъзи бирларнинг етишмаслиги натижасидир.



*Диаграммада ўйинни оқлар бошлаб дурангга эришади. Жуда содда-ку, деб асло шошилманг.*

***Мамажон МУҲИДДИНОВ, Республикада хизмат кўрсатган мураббий.***



**Об-ҳаво**

Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича 11-15 августнинг дастлабки кунларида пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ёғингарчилик кутилмайди. Шимоли шарқдан эсган шамолнинг тезлиги ҳар сонияда 7-12 метрга етади. Шу даврнинг ўрталарига бориб қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши эҳтимоли бор. Ҳарорат кечалари 16-21, кундуз кунлари эса 29-30 даража, кейинчалик эса кечалари 12-17, кундуз кунлари 27-32 даража иссиқ бўлиши кутилади.

2001 йил 5 август куни Тошкент шаҳрида оқ рангли «Дамас» автомашинасида Шайхонтоҳур туманидаги «МСА-Чинор» хусусий корхонасининг бухгалтерлик ҳужжатлари унутиб қолдирилган. Топган кишидан мукофот эвазига қайтариб беришини сўраймиз.

**Тел.: 144-54-34.**

Акмал Икромов тумани ҳокимияти савдо департаменти бошқармаси томонидан 2000 йил 28 мартда СИ 08506 рақам билан хусусий тадбиркор Манапов Орипжон Азатджанович номига берилган савдо қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Мирзо Улуғбек туманидаги «Ноосфера институти» жамоа корхонаси

**ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида Сайрам кўчаси, 11«а» уйда қабул қилинади.

Бўстонлиқ туманидаги «Давр технологиялари» хусусий корхонаси

**ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида Чорбоғ шаҳри, Дўстлик кўчасида қабул қилинади.

Оққўрғон туманидаги 6-ўрта мактаб томонидан 1996 йилда Қосимов Алишер Каримжон ўғли номига 9-синфни тугатганлик ҳақида УЗ А 007555 рақам билан берилган шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Акмал Икромов туманидаги 74-мактаб томонидан 2001 йил 20 июнда Шербаков Данил Статиславович номига берилган 0129980 рақамли 9-синфни тугатганлик ҳақида берилган шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Сергели тумани ҳокимияти томонидан 1995 йил 12 апрелда Атажанов Хасан Ибрагимович номига 08-21/445 рақам билан уй-жойни хусусийлаштириш учун берилган давлат ордери йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

*Телефонлар:* Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйҳатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Буюртма Г-2704. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умиджон АБДУШОҲИДОВ.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун—205, ташкилотлар учун—206. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.00. 1 2 3 4 5 6